



# МАДАНИЯТ

№25 (107) 30.07.2020 йил

Акс садо

Бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам коронавирус билан боғлиқ жараён кескин тус олмақда. Халқимиз жорий йил бошида ўз олдига катта мақсадлар қўйган эди. Дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси март ойида юртимизга кириб келди-ю, режалар ўзгариб кетди. Давлатимиз биринчи навбатда одамлар соғлигини сақлаш чораларини кўрди.



## Маданият ва санъат аҳлига мурожаат

Афсоналарда айтилишича, Одам Ато яратилганда унга майин куй орқали жон бахш этилган. Мусиқа ва табобат орасидаги мутаносиблик инсоният яратилганидан бери мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Кўҳна Юнонистонда ва Кўҳна Шарқда беморларни мусиқа билан даволашга ҳаракат қилишган. Пифагор ва Арасту ҳам мусиқанинг турли даволаш усулларига қараганда кучлироқ шифобахш воситалари ҳақида айтиб ўтган.

Тақдир тақозоси билан араб диёрида юрган Ал-Хоразмийдан икки усул: сўз ва дори-дармон билан даволашдан қайси бири сизга маъқул деб сўраганларида у зот унингчи деб жавоб берган. Бундан ҳамма хайрон бўлиб қолган. — Менинг Ватанимда қадим замонлардан бери касалликлар-

ни даволашда сўз, дори-дармонлар ва мусиқадан фойдаланадилар. Менга мохир созанданинг сиздан чиққан ҳар қандай ҳазин куй, ҳар қандай доридан яхши таъсир қилади ва шифо ато этади, — деб жавоб қайтарган экан у.

Яна бир ривоятда айтилишича, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино бемор болани даволамоқчи бўлибди. Аммо у вафот этибди. Бола танасини очиб кўрган табиб унинг юрагини қоплаган пардага кўзи тушибди. Айнан шу парда юракни уришдан тўхтатиб қўйган экан. Бу ҳолатдан афсусланган Ибн Сино шундай деган экан: «Агарда шу болага уриб чалинадиган мусиқа асбоби (доира) ёки танбур чалгани ўргатганимда, бу ҳолат умуман вужудда

келмаган, бола ўлмаган бўларди».

Ушбу ривоятларни беҳудага эсламадим. Бизга Ибн Сино ва Ал-Хоразмий каби буюк бобоқалонларимизнинг мурожаати бу. Бугун бутун башариёт синови кунларни бошидан ўтказмоқда. Ҳаттоки, техника мўъжизаси, фан ва соҳалар тараққиёти, замонавий тиббиётни ожиз қолдирган бу балони тезроқ бартараф этиш мақсадида бутун дунёда унга қарши аёвсиз кураш кечмоқда. Ҳар кун миңлаб инсонлар ёстиғини қуритаётган, болаларни етим қолдириб, оналарни бўзлатаётган қоронавирусдек ашаддий захри қотилини енгишда ҳар биримиз бор куч-ғайратимизни, матонатимизни намойиш этмоғимиз лозим.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

### Асрлар давомида топилган хазиналарни сонияларда йўқотяпмиз

3-саҳифада

### Буюклар ортида кучли аёллар туради



4-саҳифада

### Илдизлардан сув ичган удумлар



6-саҳифада

Муҳабати улғу халқ кудрати



## Яшаш учун курашамиз

Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз?! Қирғинбарот урушлар, зилзила тошқинлар, йўлида учраган ҳар қандай усурни, ҳатто мустаҳкам кўрғонларни ҳам учириб, узоқ-узоқларга улоқтириб ташлайдиган бўронлар... Лекин бу нарсаларни кўзимиз кўриб, қўлқорларимиз эшитида, оз бўлса-да, ўзни ҳимоя қилишга ундовчи оғохлантирувчи белгиларни ҳис этамиз. Аммо тинчлик-осойишталикда кечаётган ширин ҳаётимиз аллақандай кўринмас ёв исқан-жасида қолса, унга қандай чап бериш мумкин?! Энг ачинарлиси, уни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди...

Дунё халқларини вазвасага солиб қўйган бу балои офатга фақат онгли суратда, тафаккур ва лаёқатимизни, метиндай мустаҳкам иродаимизни ишга солиб курашиш лозим бўляпти. Қатъий карантин қоидаларига амал қилиш, ўзни яқкалаш, ҳар қандай керак-но-керак йиғинлардан, борди-келдилардан ўзни тия олиш, оддийгина

талаблардан бўйин товламастик, никоб, қўлларимизни тоза тутиш, тиббий маданиятдан бохабарлик кўринмас ёвнинг йўлини тўсиши мумкин. Буни энди билмасак уят бўлар. Давлатимиз иложи бори-ча халқ ҳимояси учун бор имкониятини ишга соляпти, жон-жаҳди билан курашяпти. Лекин бунга биз ёрдам бермасак, чиқарилаётган конун-қоидалару яратилаётган шароит-имкониятларнинг бари бейфойда... Ахир куч бирликда.

Ҳозирги кунда аҳолининг касалликка қарши курашиш, олдини олиш борасидаги билим ва кўникмаларини, тиббий, ижтимоий маданиятини кучайтириш учун барча чора-тадбирлар кўриляпти. Оммавий ахборот воситалари, телерадиоканалларда кенг тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Мутахассислар, шифокорлар ишгирикдаги кўрсатувларда аҳолини қизиқтирган саволларга мунтазам жавоблар бериб борилмоқда. Жумладан, ўпка

касалликлари бўйича шифокор, пульмонолог Фарҳод Муҳсиновнинг айтишича, Коронавирус – Covid-19 айнан ўпка касаллиги бўлмай, аввало, қон айланиш тизимига кучли таъсир қилувчи вирус ҳисобланади. Бунинг энг хавfli томони, қоннинг қуюлиши натижасида томирларда тикчилар пайдо бўлиб, ўпкага етиб бориши кийинлашади. Оқибатда нафас қисиши, ҳаво етмаслиги ҳолатлари рўй беради. Лекин оддий шамоллашдан уни фарқлай олиш, тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, кўнгил айниши, йўтал, таъм билмаслик кузатиладиганда дарҳол шифокорга мурожаат этилиши зарур. Дориларни ўзбошимчилик билан қабул қилиш ярамайди. Ижтимоий тармоқлардаги баъзи бир-бирига тўғри келмайдиган тавсияларни кўр-кўрона қўллашнинг ҳам фойдадан кўра зарари кўпроқ. Чунки ҳар бир одамнинг мижоз, индивидуал ҳолати турлича. Унга мос муолажани белгилаш эса тажрибали шифокор зиммасида...

Давоми 5-саҳифада

<p>Донолар сузлаиди... !</p>	<p>Буюк ишларни амалга ошириш учун киши ҳеч ўлмайдигандек яшаш керак. Л.Вовенар</p>	<p>...Наҳотки инсоният ўз кашфи билан ўзини-ўзи вайрон этади. Ж.Неру</p>	<p>Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалидин сўз бил. Алишер Навоий</p>	<p>Ҳақиқатдан кўрқмайдиган одамнинг ёлғондан кўрқшига асос йўқ. Жеферсон</p>
------------------------------	---	--	--	--

» Беш ташаббустга монанд

## Маданият ва истироҳат боғи

Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказида Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббустга монанд Маданият ва истироҳат боғи барпо этилмоқда.

Боғга киришдаги рангли фавворалардан бошланган рамзий беш йўлак Қорақўл ёшларининг порлоқ келажагини ифодалайди.

Биринчи йўлак маданият ва санъат йўналишига мосланган бўлиб, у марказий

сахнасига эга бўлган 200 ўринли Амфи-театрга олиб боради. Ёшлар бу жойда бўш вақтини мазмунли ўтказиши, тасвирий ва амалий санъат билан шуғулланиб, ижодий маҳорат ошириши мумкин.

Спорт йўналишидаги иккинчи йўлак ёшларни шахмат, стол тенниси, велоспорт, биллиард каби оммавий спорт турларига қизиқтириш мақсадида йўналтирилган.

Учинчи йўлакда IT-Парк ташкил қилинади. Ёшлар интернет тармоғига ула-

ниши учун истироҳат боғи бепул WI-FI худудга айлантирилади.

Тўртинчи йўлакда китоб ихлосмандлари учун Book-safe ташкил қилиниб, мазкур худуддан китобхоналар учун барча маиший кулайликларга эга замонавий ўқув зали жой олади. Унга босма ва электрон адабиётлар келтириб жойлаштирилиши белгиланган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва замонавий моделини эса бешинчи йўлакда кўриш мумкин.



» Давоми. Боши 1-саҳифада

## Маданият ва санъат аҳлига мурожаат

Шундай вазиятда маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳам бир тану бир жон бўлиб, бу офатни енгилда ўз хиссаларини кўша олса, она Ватан ва халқ олдидаги бурчини адо этган бўларди. Демак, биз бугун биргалликда, соз ва сўз сеҳри ила халқимиз дардига малҳам бўлиб, иқтидоримиз ва маҳоратимизни шифо йўлида сарф қилайлик.

Бугун Интернет ва ижтимоий тармоқларда шов-шувли янгиликлар, ваҳимали хабарлар, ахборот хуружи авж олиб, халқни саросимага солиб қўймоқда. Бу каби ортиқча маълумотлар эса одамни стрессга бошлайди. Стресс имунитетни туширишини барчамиз яхши биламиз. Шундай вазиятларда санъат, куй, мусиқа сеҳри бироз бўлса-да, инсонлар қалбига таскин бериш билан бирга уларда ижобий кайфиятни жонлантиради. Хуш кайфият эса ҳар қандай тушқунликни енгилда, муаммоларни бартараф этиб, киши руҳиятини муҳаббат билан озиқлантиришига ишонаман. У муҳаббат инсоннинг Аллоҳга, ота-онага, юртга, фарзандларга, суякли ёрга, дўстларга ёнқи ҳаётга бўлган севиғисини янада мустаҳкамлайди. Келинг, шундай синовли дамларда биз ҳам халқимизнинг эртанги кунига бўлган ишончи ва муҳаббатини ошириш учун хузурбахш наволар, ёқимли оҳангларга лиммо-лим тўла, ҳаётни севишга чорловчи куй-қўшиқлар яратиб, инсонларга яхшиликлар улашайлик.

Эгу мақсадларимиз йўлида бир дам бўлсин хотиржамликка берилмай карантин қондаларига амал қилишни ҳам асосий вазифаларимиз қаторида билишимиз жуда муҳим. Кун кеча давлатимиз раҳбари пандемияга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириш кераклиги ҳақида гапирар экан, ҳозирги пандемия шароитига мос энг кучли, энг таъсирчан воситаларни ишга солиш зарурлигини таъкидлади:

– Бу хурашда давлат ва хусусий тиббиёт тизими, барча идораларнинг доимо сафарбар ҳолатда бўлиши ва самарали ишлаши, шифокорларнинг фидойилиги, халқимизнинг онглилиги бизнинг асосий қуролимиз бўлиши шарт, фақат тезкор ва мунтазам сафарбарлик, темир интизом, тиббий маданият, юксак онглилик билангина биз бу офатга қарши кураша оламиз.

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган бу каби сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда маданият соҳаси вакиллари ўз садоқатини намоен этадиган фурсатлар келганини хис қилиши лозим. Оиламиз, фарзандларимиз, юртимиз тақдири учун ўз масъуллимизни оширайлик.

Шундай экан, ҳар биримиз ҳозирги синовли кунларда ҳукуматимиз томонидан жорий этилган карантин тартиб-қоидаларига амал қилишимиз, уйда қолиб зарурат бўлмаса, кўчага чиқмаслигимиз лозим. Зарурат туғилганда эса, ниқобларни тақийиш унутманг! Қанчалик соғинган бўлсангиз-да, ота-онангиз, фарзандларингиз ва яқинларингизнинг ёнига борманг! Ойлада ҳам кўчқоч очиб кўришманг, мулоқот пайтида оловчани сақланг! Сиз каби сабр-бардошли, мослабон инсонлар билан бирга истиқболли ва тўзал манзилларда яна кўришамиз.

Ўзингизни ва яқинларингизни асранг!

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият вазири  
Озодбек НАЗАРБЕКОВ**

» Муносабат

# Гафур ГУЛОМ боғининг ҳақиқий ижарачиси ким?



Шу кунларда ижтимоий тармоқларда турли муҳокамаларга сабаб бўлаётган Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг ижарага берилиши ҳақидаги масалаларга Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик аниқлик киритди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 9 августда 670-Ф-сонли фармойиш қабул қилинган бўлиб, унга кўра, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Бунёдор шоҳ кўчаси 21-уй манзилида жойлашган

Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфидоги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи давлат унитар корхонаси инвестор "BMP Smart Decision Private Limited" хорижий компаниясига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида бир қатор ишларни амалга ошириш шarti билан ижарага берилиши белгиланган эди.

Маданият вазирилик томонидан мақоладаги ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида "BMP Smart Decision Private Limited" хорижий компа-

нияси томонидан тақдим этилган маълумотлар ўрганилганида, мазкур компания Сингапур давлатида рўйхатдан ўтганлиги, унинг таъсисчилари 70% улушга эга Сингапур фуқароси Zheng Haojiang Raymond ҳамда 30% улушга эга Ўзбекистон фуқароси Шерзод Халимов эканлиги аниқланди. Шунингдек, Сингапур фуқароси Sean Tan Li Hao ва Ўзбекистон фуқароси Шерзод Халимов компания дирекцияси аъзолари бўлиб, компания номидан берилган ва Сингапур ноарил идораси 27.03.2020 йилда тасдиқлаган ишончномага кўра, Ш.Халимов компания номидан барча давлатларда иш юритиш ваколатига эга эканлиги маълум бўлди.

Демак, мақолада келтирилган баъзи мулоҳазаларга аниқлик киритиб айтиш мумкин, кишиликнинг энг машҳур масканларидан бири – Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғини замонавий кўринишда қайта қуриш, жаҳон стандартларига мос технологиялар билан жиҳозлаш шarti билан ижарага олган шахс таъкидланганидек, Ўзбекистонлик эмас, асосий улуш эгаси сингапурлик тадбиркор Zheng Haojiang Raymondдир.

Ўзбекистон фуқароси Шерзод Халимов эса тегишли компаниянинг ишончли вакили сифатида иш юритиш ваколатига эга шахсдир.

» Нуктаи назар



## Шафрфоллик шарофати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан бошлаб "Янги Ўзбекистон" концепциясини илгари сурди. Давлат бошқарув тизими, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳаларда шафрфолликни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олишни жамиятини янгилаш бош мезони сифатида белгиланди.

Республикамизда шу мақсадда амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар ва уларнинг ижобий самараларини "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси фаолиятида ҳам аққол кўриш мумкин.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2018 йил 28 ноябрда қабул қилинган қарорда музейларда электрон чипталар сотиш ва ташриф буюрувчилар ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизими, яъни турикет лойиҳасини амалга ошириш вазифаси ҳам кўзда тутилган эди.

Ана шу кўрсатмалар асосида 2019 йил апрель ойида республикамиз музейлари орасида биринчилардан бўлиб, "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси "Микросистема Плюс" МЧЖ билан ҳамкорликда музейларда электрон чипталар сотиш ва ташриф буюрувчилар ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини ишга туширди.

Ушбу лойиҳага кўра, музейга ташриф буюрувчилар ҳисобининг тўлиқ юритилиши, чипталарнинг масофадан сотилиши, билет сотиш тизимини шафрфоллаштириш ва давлат бюджетига тушадиган тушумларни бир неча баробар оширишга эришилди.

Мазкур тизимнинг маълумотлар базаси "Узин-фокон" серверида жойлаштирилган бўлиб, 19 та объектда – 30 та смарт-турикет, 3 та чиптахона, масофадан билет сотиш ҳамда мобил тўлов тизимлари (PayME GO ва Click GO)ни қамраб олади. Келгусида барча сайёҳлик объектларидаги банкоматлардан музей билетларининг электрон сотилишини йўлга қўйиш имконияти яратилади. Бунга сарфланган харажатлар ҳам қисқа фурсатда 2019 йилнинг 15 – 30 апрель кунлари (яъни 15 кун ичида) янги тизим шарофати билан тўлиқ қопланди.

Натижада 2018 йил "Ичан-қалъа" музей-қўриқхонаси томонидан бюджетга чипталар сотишдан 5.6 млрд. сўм тушум қилинган бўлса, юқоридаги янги ҳаёда тушуми 2019 йилда бу миқдор 14.7 млрд. сўмга етказилди.

Ушбу муваффақиятлар 2020 йил 10 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бехзод Мусаев томонидан ўтказилган видеоселекторда – "Республикамиз бўйича барча музейлар-

дан 2019 йил ҳолатига 31,5 млрд. сўм маблағ туширилган бўлса – биргина "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси томонидан 14,7 млрд. сўм маблағ туширилган" – дея эътироф этилди.

"Ўзбекистон-24" телеканалда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ва вазирлик ходимлари томонидан ўтказилган теледебатда – Маданият вазири матбуот қотибаси Мавлула Асқарқўжаева – "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонасида электрон билетлар сотилишининг йўлга қўйилиши ва автоматлаштирилган тизимнинг жорий этилиши натижасида – 2018 йилга нисбатан 2019 йилда давлат бюджетига тушумлар 2.5 баробар ўсиб – 14.7 млрд. сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлади.

Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган гоё ва ташаббусларнинг жойлардаги ижроси фаолиятда шафрфолликни таъминлаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш баробарида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ички имкониятларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, энг муҳими, халқимиз розилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**М.АБДУРАСУЛОВ**

Археология

**Туркияда 1700 йиллик ҳайкал топилди**

Шу кунларда Туркиянинг Анталья вилоятига қарашли қадимги Перге шаҳри ҳудудига археологлар эллинизм даврига оид 1700 йиллик аёл ҳайкалини топишди. Бу ҳақда «Hurriyet Daily News» сайти хабар берган.

Ҳайкал жорий йилда мутатхассисларнинг Передаги биринчи топилмаси бўлди. Таъкидла-

нишича, ҳайкал икки қисмдан – аёлнинг синган боши ва танасидан иборат.

Передаги қазилма ишлари-га Истанбул университетининг археология бўйича профессори Седеф Кокай Кепче раҳбарлик қилмоқда. Милодий III асрга тааллуқли ҳайкал реставрациядан сўнг Анталья археология му-

зейига жойланади, дейилади 28 июлдаги хабарда.

Переда археологик қазилма ишлари 1946 йилдан бери Истанбул университети томонидан мунатазам амалга ошириб келинмоқда. 2009 йилда қадимий шаҳар ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.



Хаёт дарси

Бу воқеа ўтган йили бўлган эди. Наврўз байрамидан бир ҳафта олдин мактабга дўппи кийиб бордим. Мактабимизда яхши анъана йўлга қўйилган. Ҳар Наврўз байрами арафасида қизлар ироқи, йигитлар Марғилон дўппида мактабга келишади. Бу кунга биз ўзимизча миллийлик кунини деб ном қўйиб олганмиз. Мен ҳам бир янгилик қилай дедимми ёки эътиборни ўзимга қаратишни хоҳладимми, ҳарқалай бир ҳафта олдин дўппида мактаб томон йўл олдим. Йўлда қишлоқ томондан келаётган синфдошларимга дуч келдим. Улар ҳам мактабга отланишган эди. Саломлашганимиздан кейин улар хавотир билан қараб қўйишди. Нимадир сўрашмоқчи бўлишди-ю, назаримда, ботинмади. Мактабда биринчи соат ҳам бошланди. Иккинчи, учинчи, хуллас, ўша кунги дарс соатлари ўз ниҳоясига етди. Бир пайт синфдошларимдан бири, “Ёрқинжон, эрталабдан бери сўраймиз, деймиз сўролмаймиз. Ҳеч нарсани эшитмадим ҳам. Оилангга яқин одамлардан бири қаҳо қилдимми? Дўппи кийиб олибсан, таъзия бўлдимми?”, деб савол берса бўладими... Қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим. “Йў-ей, Наврўз яқин-ку. Бир ҳафта олдиндан бошладим тайёргарликни”, дея жавоб бердим.

# Асрлар давомида топилган хазиналарни сонияларда йўқотяпмиз

**ДўППИ ТАЪЗИЯ АЛОМАТИМИ?**

Мендан хавотир олиб сўраган синфдошимнинг саволига кулиб жавоб бердим-у, лекин ичимдан бир нарсга зил кетди. Бугун ана шу ҳақида сўз юритишни мақсад қилдим. Нега дўппи кийган йигитларни кўрсак, дарров таъзия бўлибди-да, деб ўйлашга тушамиз? Нима учун фақат миллий байрам арафасида атлас-у, адрасга бурканиб олиб, айём ўтганидан кейин жинси шим кийган қизларга кўзимиз тушяпти? Нега дўппи, белбоғ, тўн-чопон, махси, жияк сингарии сўзларга эскирган-дек муомала қилаймиз? Наҳотки, дўппи ўрнини шляпа, белбоғ ўрнини инглизча ҳар хил сўзлар эзилган, ранг-баранг камарлар, чопон ўрнини-ку бўлмағур кийимлар, ковуш, махси ўрнини бир қарич пошнали туфиллар эгаллаб улгурган бўлса. Кечирасиз-у, чиндан ҳам ҳозир шаҳарда дўппи кийган одамни кўрсак, қишлоқдан келган экан-да, деган фикр уйғоняпти. Агар ёш йигитларнинг дўппи кийганини кўрсак, худди мен билан содир бўлганидек, таъзияли экан-да, деб ачинаиб қўямиз. Охириги йилларда белбоғ деган сўз йигитлар луғатидан чиқиб кетишга ҳам улгурди, менимча. Қизиқ, маданият, маънавият дея жар солинаётган бир пайтда миллийлигимиз йўқолиб бораётгани камдан-кам инсонларни ташвишлантиряпти. Демак, бизда миллийлик йўқолиб бормоқда.



бўлган муҳаббатимиз ҳалигача йўқми, демак, бизда маънавият йўқолиб бормоқда.

**САМАРҚАНДДАГИ ҲАЁТ ДАРСИ**

Яқинда Самарқандда бўлдим. Бир кишини кўтиб кўчада анча қолишга тўғри келди. Бир томондан ана шу вақт ичида атрофни томоша қилишга ҳам улгурдим. Ана шунда бир воқеа бўлди. Менимча, ана шу воқеадан бир умрга етувлик дарс олдим. Бу ҳақиқий ҳаёт дарси эди. Узоқдан ота-бола келишарди. Ота бир қўлида қоп кўтариб олган, бир қўли билан эса ўғлининг қўлидан тутган. Устлари ҳам унчалик бинойи эмас. Айниқса, отанинг қўйлақлари анча эскириб қолган. Қопда эса ҳар хил қоғозлар, елим кутилар бор. Бир сўз билан айтганда, камсукум оиланинг ота-боласи эканлиги шундай билиниб турарди. Ёнимдан ўтиб кетаётганда, отасининг қўлидан тутган бола менга қаради. Ҳозир, менимча, пул сўраса керак, деб энди ўйлашимни биламан, болакай қўлини кўксига қўйиб, салом берди-ю, ота-бола яна йўлларига давом этишди. Усти эски бўлса ҳам, яхши ювилган, очиқ чехрали болакай ортидан қараб қолдим. Уйлаган ўйим учун ўзимдан нафратланиб кетдим. Шу маҳал ота-бола келган томондан яхши кийинган, кўринишидан анчагина ўзига тўқ, қоп-қора костюм-шимли бир йигит келарди. Қадамларида салобат бор. Болакай салом берганидан кейин, ана шу костюм-шимли одамга мен ҳам салом бериб қўяй, дедим. Ёнимдан ўтаётганда, асаллому алайкум, деб айтдим. Лекин саломим жавобсиз қолди. Йигит каландимоғлик билан ёнимдан ўтиб



кетди. Ана шу воқеадан сўнг шундай хулоса чиқардим, устингиздаги кийим олтиндан бўлса ҳам, тарбиянгиз, яхши муомалангиз бўлмаса, чиройли кийим инсонга ҳақиқий гўзаллик саналимиш қалб гўзаллигини беролмас экан. Худди шундай, устингиздаги кийим янги эмас, қаеригадир ямоқ тушишга улгурган бўлса ҳам, тарбиянгиз, одобингиз яхши бўлса, қалбингизнинг гўзаллигини сизни атрофдошларига юз қарра чиройли қилиб кўрсатар экан.

Ҳа, қадри газетхон, бугун биз инсонларнинг устки қиёфасига қараб баҳо беришга ўрганиб қолдик. Шундай ўрганиб қолдикки, ўрганган кўнглимиз ўртанишдан қолмайдиган даражага ҳам етдик. Минг афсуслар бўлсинки, самарқандлик болакайни кўрганимда “Пул сўраса керак”, деган жирканч ва ноқобил ўй хаёлимга келгани учун ҳалигача ўзимдан нафратланаман. Яхши кийинган йигитнинг саломимга аликсиз, мента бир назар ташлаб, яна юқорига қараб ўтиб кетгани-ю, одмигана кийинган болакайнинг чексиз одоби-ни кўриб, англаганим шун бўлдики, одобимиз, ахлоқимиз сўст. Демак, бизда маънавият йўқолиб бормоқда.

**СИЗЛАРНИ КИМ МАШҲУР ҚИЛГАН?**

Зангори экран орқали жуда кўп



санъаткорларни яхши таниймиз. Талай кўрсатувлари билан халқ тилига ва дилига тушган бошловчиларни ҳам биламиз. Бироқ ана шу машҳурларни таниб, билиб, севиб машҳур қилаётган ким? Албатта, халқ эмасми? Аммо халқдан чиққан ўша машҳурларнинг айримлари бир-икки “дилбўзар”ларда кўриниб қолиб, димоғлари кўтарилиб, осмонларда учаятгани ҳам ҳақиқат. Ана шу санъаткорлардан кўпчилигини Тошкентга бурганимизда учратиб қоламиз. Менда ҳам шундай воқеалардан бири бўлди. Телевизордан фикрларини эшитиб, яхши кўриб, ҳурмат қиладиган санъаткорни учратиб қолдим. Унинг телефонида ким биландир гаплашаётгани, сўхбатдаги субтүсиз сўзлар, маданиятсиз сўкинишларни эшитиб, ўша санъаткор билан расмга тушиш хоҳишидан ҳам қайтдим. Ҳали биз эъозлаб, қаҳрамон даражасига кўтараятган машҳурлар шу инсонларми, дея афсусландим.

**ЖАВОБСИЗ САВОЛ**

Сентябрь-декабрь ойда газетада кетма-кет мақолаларим босилиб турди. Мана январь ойига келиб, биттагина мақола билан чекланиб қолдим. Наҳотки, менда ҳам “Бўлади шун-

часи”, деган юлдузлик касали пайдо бўляптимики деб ўйлаиб қолдим. Йўқ, агар ҳозирдан бу касалликка дуч келсам, келажакимни барбод қиламан-ку, деб ўзимни тийиб олдим. Ўқишни, турли ишларни баҳона қилмай мақола ёзиш учун вақт ажратишни аниқ тартибга солдим. Нега одамлар бир натижага эришса, дарров ўзгариб қолишади-я? Нега ишимиз юришган захоти ўзимизни ҳаммадан устун деб ўйлашга тушамиз? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Шунда бир нарсатга амин бўлдимки, манманлик, димоғдорлик ҳеч қачон яхшиликка етакламайди. Ишимизда унум бўлмаётганими, фақат мен деган сўз асосийсига айланиб қолдим, билингки, демак, бизда камтарлик йўқолиб бормоқда.

**МАҚОЛАНИНГ “НАКАРОТИ”**

Анчадан бери бир муҳим мавзунини ёритишни мақсад қилгандим. Охириги пайтларда жуда кўп кишини эътироф этиб мақола ёздим. Аммо, ҳақиқий журналист бўлиш учун бу етарли эмас. Устозим Ниғора опа айтганидек, мулоҳаза юритмаган, мавзунини ўзидан исламаган ижодкор ҳеч қачон журналист бўлолмайди. Мулоҳазани мисоллар билан далиллаш эса, ҳаётийлик, ҳақиқатнинг янада чиройли талқин қилинишига кўмаклашади. Йўқолиб бормоқда, деган сўзларни мақоланинг “накароти”га айлантирганим ҳам бежиз эмас. Қадрдон, бир ўйлаб кўрсангиз, қанча яхши хислатлар, қанча яхши анъаналар, қадриятлар кундан-кун йўқолиб, гоёиб бўлиб бормоқда. Уларни йўқотаётганлар ҳам, йўқолишига жим қараб турганлар ҳам бизмиз. Хазинани топиш қийин, йўқотиш осон бўлганидек, бир қадриятнинг дунёга келиши учун асрлар кетган. Бироқ биз уларни сониялар ичида йўқотмоқдамиз. Яна кулиб, ҳеч қандай хавотирсиз хайрлашмоқдамиз. Агар фикримни хато десангиз, кўчага чиқинг. Атрофни кузатинг. Инсонларга боқинг. Ва Наврўз кунини яна кўчага чиқинг. Энди умуман бошқа қиёфага кириб олган инсонларга боқинг. Ҳа, афсуски биз фақат бир кунни миллийлик билан ўтказиб, бир йил давомида маънавият, миллий руҳ деб жар солиб яшагга ўрганиб қолдик. Бунини ўзгартирмоқчи бўлсак, ислохотни, аввало, ўзимизни ўзгартиришдан бошлашимиз керак. Ишонаман, ҳали миллий руҳиятимиз яна уйғонади, яна бизни яхшиликлар сари ундайди. Бунга оз қолди. Ахир етти ойдан кейин Наврўз келади.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ, Сирдарё вилояти**

Устозлар изидан

“Бизнинг театр”

Илк бор 1914 йил Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси асосида маданиятимиз, санъатимиз ривожига тамал тоши қўйилган бу даргоҳда не-не моҳир актёрлар, режиссёрлар, муסיқашунослар ижод қилган. Абдулла Авлоний ўзининг мақолаларидан бирида: “Майдонда шу даражада кўп одам йиғилдики, биз бунга кутмагандик. Одамлар спектакль намойиши учун жарчилик қилиб, ён-атрофдагиларни тўплай бошлади”, дея хайрат ва ҳаяжон билан ёзганди.

Самарқанд вилояти муסיқали драма театрида бўлиб ўтган «Бизнинг театр» мавзусидаги онлайн конференцияда театр тарихи, унинг ривожига маърифатпарвар боболаримиз қўшган хисса, бу сахнада камол топган буюк даргалар, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

– Ҳар гал театр сахнасида рол ижро этарканман, устозларнинг ўзиги, берган сабоқлари ёдимга тушади, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Ҳақимова. – Бу

даргоҳда санъатимизнинг буюк даргалари ижод қилгани бизга доимо куч бағишлайди. Зайнаб Содиқова, Рустам Мансуров, Танаберди Қурбонов, Мусо Муқимов каби театр санъатининг фидойилари ажойиб роллари билан ўз мухлисларига эга эди. Бугун ҳам театримизда шундай муҳим давом этапти.

Конференцияда Маданият вазирлиги, республикамиз ва вилоятимиздаги театрлар мутасадди ходимлари, актёрлар иштирок этди. **Насиба ЖОНТЎРАЕВА**



Олима аёл бўлиш

Ҳар қандай кучли шахс ортида кучли аёл туради, у хоҳ она бўлсин, хоҳ умр йўлдош, хоҳ опа-сингил. Тарихда ҳам, бугун ҳам бунга мисоллар кўп. Илмий салоҳияти, маърифий қудрати ила дунё аҳлини ҳайратга солган аждодларимизнинг таржimaiи холи билан ақиндан танишар эканмиз, уларнинг бундай юксак камолотида зукко онаси, доно бувиси ёки энагаси муҳим ўрин тутганидан воқиф бўламиз. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қизларга пухта таълим бериш, уларни илми, ҳар томонлама етук шахслар қилиб ўстириш доим долзарблигича қолаверади.

# Буюклар ортида кучли аёл туради

Ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти, ривожланиш босқичларини олиқ тарихдан то бугунгача ўрганиб келадиган америкалик олима Мариана



Кемпнинг фикрича, “Хотин-қизларнинг ҳаёти яшиланиши учун уларга мукаммал билим бериши ва уларнинг эркин фаолият юритишига муҳим зарур шартларни яратиш зарур. Токи улар ўз кичик тадбиркорлигини бошлай олсин, даромадига ўзи эғалик қилсин, фарзандлари ва оиласи учун заҳир олисин. Ана шу амиллар аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтиради.

Ўзбекистонда жуда кучли аёллар бор. Жуда илмли, фаол, ўз ўрнини ва ролини биладиган меҳнаткаш аёллар...”

Аёлларни фақат сифатли таълим кўтаради, шундагина улар ҳар

қандай ташаббусини амалга ошира олади. Аллома Абдулҳамид ибн Бодиснинг “Агар ўғил болага таълим берсан, бир шахсга таълим берган бўлсан. Агар қиз болага таълим берсан, бутун жамиятга таълим берган бўлсан” деган оқил сўзлари, ўғил-қизларнинг бир хил таълим олиш сифати аҳамиятли экани, шунингдек, қизлар учун имкониятлар эшиги берилмаса, фахр билан ёлга олинадиган янги ХХI аср авлодлари шаклланиши инкор этолмайдиган омилга айланади.

БМТ Аёллар агентлиги расмийси Лаура Туркетнинг таъкидлашича, “Хотин-қизлар тенглиги учун кураш ҳамон давом этмоқда. 1911 йилда дунёнинг бор-йўғи икки мамлакатда аёллар сайловларга овоз бера олан бўлса, бугунга келиб деярли барча давлатларда хотин-қизлар сайловда бемалол қатнашиши ва ҳатто парламентга сайланиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Шу аснода жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда аёл ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар сероб, ammo улар амалда қандай қўлланмоқда, масала шунда”.

Қизлар ўқиши керак дея жонбозлик кўрсатган ва толибон ўқидан қаттиқ жароҳатланиб, узоқ вақт Британияда даволаниб, эндиликда сал оёққа туриб, фаолликни давом эттираётган покстонлик Малала Юсуфзай ҳам қизлар таълим олиши кераклиги буйича курашди. У ҳамма қиз билмли бўлиши кераклигини таъкидлади ва шахсий мактаб очиб, уларни тахсил олишга ундади. Малала Юсуфзай ҳаяжон билан қилган нутқида ота-оналарга мурожаат этиб, фарзандларини ўқитишга ундади.

“Қизларга ҳам худди ўғилларнингиздек келажаги порлоқ ва қобил инсонлар сифатида қаранг”, дейди у ўз чақириқларида. “Менинг юртимда, Покстонда террористлар халқни қўрқитиб, қизларнинг мактабга боришига тўсиқлик қиладди. Улар мени ўлдирмоқчи бўлишди. Лекин мендан олдин ва кейин жуда кўпбалар улар қўлида қурбон бўлди. Улар шарафи учун ҳам болалар ҳаққини талаб қилишда давом этишимиз шарт. Бутун дунё бўйлаб, ёш авлод тинч ва соғлом яшаши, илм-

ли бўлиши учун шароит яратилиши керак”, – деди “Нобель” мукофотининг Тинчлик йўналиши совриндори Малала Юсуфзай.

Ҳар бир қизнинг ўқимишли ва фаросати бўлиши мустаҳкам оила, бахтли хонадон ва эркин муносабатларга сабаб бўлади.

“Оиламга хизмат қилиш менинг ҳеч қайси ҳуқуқ ва эркинликларимни чекламайди. Кийинчи мен учун ҳеч қачон эркинлик даражасини белгиламаган. Фарзандлар тарбиялаб, вояга етказиш агар саодат бўлса, мен шу қулликка ўзимни мамнуият билан бир умрга маҳкум этмаман” – дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, тадбиркор Дурдона Раҳимова. Айтиш жоизки, “Аёл – гулдек нозик, пўлатдек мустаҳкам”.

Азиз қизлар, доимо яхши таълим олайлик. Зеро, билимли аёллар саодатли келажакнинг давомчиси. Шундай экан, кучли билим, кучли потенциал билан илдамланг.

**Маржона Жўрақуллова,** лицей ўқувчиси

Шерозий таваллудининг 130 йиллигига

## Бошинда ШЕРОЗИ, қўлинда сози

Хоразм атамаси тилга олинганда, олиқ тарих, не-не буюк алломалар, авлиқ-анбиёлар, шоирлар ҳаёдан ўтади. Шулар қатори машҳур созандаю ҳофизлар ҳам ёдга олинади. Улар ҳақида гапирганда мадфункор сози, хуш овози билан минглаб дилларни сехрлаган, номи халқимиз қалбидан мангу жой олган санъатимиз даргаси Ўзбекистон Халқ артисти Мадрахим Ёқубов-Шерозийни эсламасликнинг иложи йўқ.

У 1890 йил Хива шаҳрида таваллуд топан. Болалигидан муסיқага ихлос қўйган бўлгуси ҳофиз ўз даврининг таниқли хонанда ва созандалари – Қуржи ота- Қурбонийёз Авазметов, Полвон дўзчи ва бошқаларга шогирд тушиб, дутор, гармон чалишни, ижро маҳоратларини ўрганган. Иқтидори, интилиши тўғайли элга танилган.

Ҳофиз ижодий фаолиятининг илк йиллари Хивада инқилобий воқеалар кечаётган синови, таҳликали йилларга тўғри келган.

У шулар ҳокимияти даврида сиёсий идора қошидаги концерт бригадасида (1920), кейинчалик Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий томонидан ташкил этилган театр группасида (1921) фаолият кўрсатган.

кўрғазмасида, 1937 йилда эса ўзбек санъати декадасида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлди.

Ўша даврларда, кейинчалик ҳам байрам тадбирлари, халқ сайлари, тўй ва томошалар Шерозий иштирокисиз ўтмаган.

Шерозий ўз санъати билан Катта Фарғона канали бунёдкорлари хизматида ҳам бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Янгийўл муסיқали драма ва комедия театрида ишлаган Мадрахим Ёқубов ўз куй-қўшиқлари билан халқимиз руҳини кўтариб, буюк галабага муносиб хисса қўшган санъаткордир.

Маълумки, Хоразмда илк театр Хивада ташкил этилган. 1933 йил у вилоят маркази Урганч шаҳрига кўчган. Театрнинг илк фаолиятиндан бошлаб жамоа сардори саналган Шерозий кўпилаб шогирдлар тарбиялади. 1939 йил эса театр қошида гармончилар ансамблини ташкил этиб, истеъдодли хотин-қизларни жалб қилган ҳолда уларга устоз бўлди.

Шерозий халқ кўшиқлари, Хоразм достонлари ҳамда мақом, сувова йўлларидаги куй ва ашуаларни маҳорат ила қуйлаш билан бирга ўзи ҳам “Тул Ватан”, “Асрлар оризқиб” каби ўнлаб янги кўшиқлар яратган.

Шерозий ўз даврида машҳур санъаткор ва сўз усталари Қурбон ота Исмоилов, Матюсуп Ҳарратов-Чоқар, Баёний, Партав, Мулла тўйчи Тوشмуҳаммедов, Тамарахо-

ним, Юнус Ражабий, Хожихон Болтаев, Ўрта Осиёнинг биринчи фото ва кинотасвирчиси Худайберган Девонов ҳамда бошқалар билан нафақат қалдрон дўст, балки ижодий ҳамкор, ҳамфикр бўлган.

Шунингдек, Комилжон Отаниёзов, Матёқуб Раҳимов, Султонпошша Раҳимова, Ваҳобжон Фаёзов, Матниёз Юсупов каби ўнлаб машҳур хонанда ва созандаларга устозлик қилган. Бу эзгу амаллари орқали у умрининг охиригача (1973 йил) юрт хизматида, эл ардоғида бўлди.

Ўзбекистон халқ артисти юксак унвонидан ташқари унинг кўксини “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Хурмат белгиси” орденлари ҳам беэди.

Бошида шерози дўппи кийиб, гармон созин бағрига босиб, қўшиб қуйлаган Шерозий ҳақида халқимиз эхтиром тарикасида ижод қилган:

“Бошинда шерози қўлинда сози, Саҳарларда галар бўлбўл овози” каби термалар ҳозирда ҳам шўхшодон давраларда тез-тез анграб туради.

Айни кунларда ҳам Шерозий номи санъатсевар халқимиз тилидан тушмайди. У ижро этган кўшиқлар ёш хонандалар томонидан байрамлар, тўй-томошаларда севиб ижро этилади, мухлислар тарафидан завқ билан тингланади.

Санъаткор хотирасини абадийлаштириш буйича қилинаётган ишлар ҳам давом этмоқда.



Мадрахим Ёқубов – Шерозий 1960 йил Хива



Шерозий дўсти ва мастаҳбодши, Ўрта Осиёнинг биринчи фото ва кинотасвирчиси Худайберган Девонов билан. (1912 йил тасвир асари)

Қадимий музей-шаҳар Хивада, “Ичан-қалъа” марказида мезморий ёдгорлик Қози Калон мадрасаси бор. Бу тарихий бинода ҳозирда музей-қўриқxonанинг “Хоразм муסיқа тарихи” бўлими жойлашган. У ерда Шерозий ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи экспозиция ташкил этилган. Бундаги ноқир экспонатлар ташриф буюрувчиларнинг алоҳида эътибор ва қизиқишига сазовор бўлмоқда.

– Бу ердаги экспозиция ва кўрғаз-

малардан эрамиз аввалдан то ҳозирги давргача бўлган муסיқа тарихига оид 500 га яқин экспонатлар жой олган, – дейди бўлим мудири Комилжон Аминов. – Улар, шунингдек, Шерозий бобо ижоди акс этган экспозиция ҳамда янги осори-атикалар билан бойитиб борилмоқда.

Бособи касби ва аъёнларининг давомчиси, муסיқашуно навараси Зокиржон Мадрахимов ташаббуси билан Урганч шаҳрида ҳам Шерозий уй-музейи ташкил этилган. Унга ташриф буюрувчилар ҳофиздан қолган ёдгорлик буюмларини кўриб, ижросидаги куй-қўшиқларини тинглаб, беҳад завқландилар. Санъаткорнинг катта ўғли, филология фанлари доктори, профессор, раҳматли Отаназар Мадрахимов ҳамда шоир ва адиб Сотим Аваз қаламига мансуб “Мадрахим Шерозий” номида китоб, шунингдек, Матниёз Юсупов ва бошқалар томонидан ноталаштирилган ёзма ва аудио манбалар мухлислар ҳамда ёшлар томонидан ўқиб-ўрганилмоқда.

Жорий йил “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқxonаси ва маданият муассасалари томонидан Шерозий-Мадрахим Ёқубов таваллудининг 130 йиллигига бағишлан маданият, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Ана шундай тадбирлардан биринчиси Шерозий ҳаёти ва ижодига бағишланган давра суҳбати музей-қўриқxonанинг “Хоразм муסיқа тарихи” бўлимида бўлиб ўтди. Унда муסיқашунослар, илмий ходимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат мухлислари иштирок этишди.

**Отабек ИСМОИЛОВ,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Муборак ёш

Санъатта бахшида умр

28 июль кун И Узбекистон халқ артисти, раққоса, балерина Клара Юсупова 90 ёши қаршилади.

Клара Юсупова 1930 йил 28 июлда Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида дунёга келган. 1945 – 1952 йилларда Навоий театри қошидаги студияда ва Москва хореография билим юртида ўқиган. 1951 – 1978 йиллар давомида Навоий номидаги опера ва балет театрининг солисткаси сифатида фаолият олиб борган. Заҳматли меҳнатлари ва

эришган ютуқлари алоҳида эътироф этилиб, 1964 йилда Узбекистон халқ артисти унвонига лойиқ қўрилган.

Клара Юсупова асосан ўзбек халқ рақсларининг моҳир ижрочиси сифатида танилган. Унинг рақслари шўх, жўшқин ва жозибadorлиги, мураккаб, лекин эркин ҳаракатлари, ўзига хос миллийлиги билан ажралиб туради. «Занг», «Ларзон», «Роҳат», «Дутор баёти», «Муножот», «Шўх қиз», «Бухороча», «Лазги», «Ломирча» каби рақслари шу

лар жумласидан. Шунингдек, катта сахналарда Эсмеральда («Эсмеральда»), фея Сирени («Ҳўкудаги гўзал»), Китри («Дон Кихот») каби партияларни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлган. Болгария, Руминия, Франция, Хиндистон, Италия, Бразилия каби мамлакатларда гастролларда бўлган. Барчамиз Ўзбекистон халқ артисти Клара Юсуповани муборак 90 ёши билан самимий кутлаймиз.



Бизнинг сўхбат

Замон талабини ёшлар яхшироқ билади

Хунармандчилик миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини белгилловчи муҳим омиллардан биридир. Унда олис тарих гавдаланади, миллийлик ясалади ва яратилади. Хунармандчилик буюмларига мазий яшайди, миллат ўтмишининг нафаси келади. Бир сўз билан айтганда, хунармандчилик халқ шаклланишига хисса қўшувчи илдилардан биридир. Хунарманд эса уни даврлардан даврларга қафтида олиб ўтган шахсдир. Бугунги сўхбатдошимиз ҳам шундай касб эгаси, 12 ёшидан бери отасидан ўрганган хунар сир-асрорларини қўлаб келаётган, қўлаб шоғирдлар етиштираётган уста Шухрат Ҳазраткуловдир.



– Авваламбор, асалому алайкум, Шухрат ака. Келинг, сўхбатимизни сизга шу хунарни мерос қолдирган устозларингизни хотирлашдан бошлайлик...

– Ваалайкум асалом. Биласизми, асли менинг ота-бобом хунармандлар бўлишган ва асосан отамдан қўп нарсаларни ўрганганман. Кейинчалик Тўхтамурод исми устага ёғоч билан ишлаш, бешик ясаш, ганчкорлик бўйича шоғирд тушганман. Устозларим қўп бўлган. Ўзим қизиққаным, қонимда бўлгани учун ҳам ҳар қандай уста-хунарманддан соҳа сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилганман. Ёғочсозлик, темирчилик ва яна шу каби йўналишларда ўрганган инсонларим талайгина бўлган. Лекин асосий ролни отам ўйнаган. Чунки у киши темирчилик ҳам, ёғочсозлик ҳам укуви бор уста эди.

– Бугунга келиб қандай махсулотлар ишлаб чиқарясыз?

– Ҳозирда бешик, стол-стул, қўшимча тарзда юмшоқ меbellар, ошхона жиҳозлари ишлаб чиқаряпмиз. Ўғилларим қўшимча куч бўлапти. Улар билан бирга темир эшик, дарвозалар ҳам ясапмиз. Ишлатадиган махсулотларимиз ҳам, юқориди айтганимдек, икки хомашё асосида бўляпти. Ёғоч ва темирдан фойдаланган ҳолда уй хўжалигига керакли турли жиҳозлар яратяпмиз. Бундан ташқари, дераза ромлари, сахналар, болалар учун аравачалар ҳам ясаймиз.

– Бешик миллатимиз қадриятлари билан қамбарчас боғлиқ, тўғрими? Унинг хусусиятлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Бешик, адашмасам, Нуҳ пайгамбар замонида пайдо бўлган дейишади. Чунки Нуҳ алайҳиссалом ёғоч иши билан шугулланган экан. Бешик жуда қадимий эшди. У боланинг уйдир. Бешикда бола иссиқ, рост ётади, танаси тўғри ўсади. Унинг соялом ривожланишида бешикнинг ўрни катта. Ҳозирда қўп ота-оналар боласини бешикка ёқизишдан қўра, палмперс қийдиришни афзал қўришади. Балки, бу ота-онага қўлай бўлиши мумкин, лекин бола соғлигига яхшигина эътибор. Палмперс қийдан бола у билан соғлаб юради. Она болам қуруқ бўлиб юрибди, деб ўйлайди. Лекин таглик ичидида нам ҳеч қаерга кетмайди. Эҳтимол, таги қуруқ бўлар, бироқ барбир пушти совуқ юради. Олдидилари бо-бо-момоларимиз қўй думбасини эритиб, бешикка ётадиган ўтил болалар пуштига сур-

тишарди. Бу боланинг жинсий томондан соғлом бўлиб ривожланиши, шамол урмаслиги учун қилинади. Ҳозир палмперсга ўрганиб қолган болаларнинг тез-тез таг-таги хўлаб қўйишни кузатамиз. Кейинчалик сийдик йўлларида шамоллаш ҳам пайдо бўла иссиқ ётса, иссиқ қунларда бешикнинг ичи салқин бўлади. У азалдан ота-боболаримиз, момоларимиз учун бола парваришида аяхшигина дастёр саналган.

– Бугунги кунда “Устоз ва шоғирд” аънаъаси қай тарзда давом этапти?

– Шоғирдликни истатан ёшларга қўлимиздан келганча хунар сир-асрорларини ўргатыпмиз. Шу вақтгача қўлаб ёш усталарни етиштирдик. Мақтанганимга йўйман-у, лекин маҳаллаимизда шу йўналишда меҳнат қилиб, нон топаётган хунармандларнинг деярли 30 фоиз бизнинг шоғирдлар. Қўлингидан исмлари ҳам адаштириб юбораман (қулади). Ҳозир ўзларининг шоғирдлари бор. Улар ҳам уста хунарманд даражасига етиб, қўлпига ёшларга устозлик қилишмоқда. Айни қунларда карантин бўлгани учун ёлғиз ўзим ишлаяпман. Ўғилларим ҳам алоҳида бўлишган. Улар ҳам бир вақтлар ўзимдан ўрганган. Гарчи алоҳида ишлашса-да, қўзи етмаган жойларини сўраб, ўрганиб турашади.

– Махсулотларингиз қай тартибда сотилади? Бу борада қийинчиликлар йўқми?

– Асосан буюртма билан ишлаймиз. Олувчилар устахонамизга келиб буюртма беришади ва тайёр бўлгач, ўзлари олиб кетишади. Бу биз учун ҳам қўлай. Шунингдек, бозорга чиқариб сотиш тартиби ҳам бор. Лекин 70 фоиз сотувимиз буюртма асосида бўляпти. Қўпинча бозорга деб ишлаган чикарганларимизни устахонага келган харидорлар олиб кетиб қолишади. Махсулотимизга талаб юқори. Шунинг учун ҳозирча бу томонлама қўйилганимиз йўқ. – Қўлида гулдек хунари бўла туриб, чет элга ишлагани кетиб қолаётган устозлар ҳам талайгина. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай? Нима учун улар бу ерда меҳнат қилгандан қўра қўшни дав-

латларда ишлашни афзал билишяпти?

– Биласизми, юртимизда хунармандчиликка бўлган рақобат жуда кучли. Бизда хунарманд махсулоти сифатига қўйиладиган талаб ҳам юқори. Олувчиларнинг қўп кузатаман. Улар сифатга жуда эътибор беришади ва бу ҳар бир соҳада энг керакли. Мисол учун, ошпазларни олайлик. Агар улар пиширадиган таомлар ҳам ширин, ҳам арзон, ҳам тўйимли бўлса, махсулоти харидоригир бўлади. У синмайдиган даромади ҳам қўпаяди. Ўрганишга келган шоғирдларимизнинг сони қўп, лекин улар иккита бўлилади: эҳкин бор, эҳкин йўқ. Ҳали айтганимдек, эҳкин борлари аллақачон устоз даражасига етиб, шу хунар ортидан нон топаб ейишмоқда. Ваъзилари чет элга бориб ишлайди, лекин фақат қора меҳнатни қилишади. Қўллари қилган ишнинг суратга тушириб, бизга олиб келиб кўрсатади. Лекин мен бунга ишонмайман. Чунки бу ерда ҳам улар қиладиган ишга, суратдаги сифатли хизматга талаб анча яхши. Менимча, улар ўз хунарини қилиб кетишга қўл ҳам ишонмайди. Бу ердаги рақобатта қўнқоламайди. Чунки чикарган сифатсиз махсулотини сотолмайди. Шунинг учун четга чиқиб, қора иш қилишни афзал қўришади. Хунармандчилик ҳам осонмас. Унинг ҳам ўзига арша қийинчиликлари бор.

Уйлашимча, улар мана шу қийинчиликдан қочиб, осон пул топаман деб, четга чиқиб кетса керак. Лекин осон иш ҳеч қаерда йўқ. Бундан ташқари, замон талабини англаш жуда муҳим. Ҳар соҳага янглик керак бўлганидек, хунармандчиликка ҳам янглик йўлар зарур. Иложи борича бир хилликдан қочиб керак.

– Демак, харидорча оладиган махсулотининг янгличи усулда яратилгани муҳим экан-да?

– Ҳа, шундай. Менинг бир шоғирдим бор. Тожикистонда яшайди. Бундан 15 йил олдин бир усулни ўрганиб кетган эди. Бир кунги ўша шоғирдимнинг уйда меҳмон бўлдим. Шу борада ишни кузатдим. Ажабланирми, оҳордан шунча вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали-ҳануз мен ўргатган усулда махсулот тай-

ёрлапти. “Янглик киритолмадингми?” деб сўраганимда, “Билмадим, сиз ўргатган йўлдан кетяпман” деб жавоб берди. Мендан нимани, қандай ясашни ўрганган бўлса, 15 йил ўтиб ҳам, шу тарзда ишлаб келяпти, тушунясызми? Янглик киритмаган, киритолмаган. Бир хил шоғирдларимиз бор, келганга ҳали ҳеч қанча вақт ўтмай, “Устоз, мана шу ерини бундай қилсақ-чи?”, “Бундай ўзгартирса яхшироқ, назаримда” деб фикр беришади. Баъзан шундай шоғирдлардан нимадир ўрганган пайтларимиз ҳам бўлган. Хунарманд ўрганишга келганларга чеклов қўймаслиги керак. “Йўқ, мана шу усулда ишлайсан, сен қилаётган йўл нотўғри” қабилида иш тутмаслиги зарур. Қўшимча гоё бердим, “Баракалла, шу тарзда давом этавер” деб қўлаб-қуватлаши керак.

– Шоғирдни бир қўлигга солиш унинг хунардан қўнгли совшига сабаб бўлиши мумкинми?

– Албатта. Бир вақтлар яқин ўртоғимнинг уйига борганим эсимда. У пайтларда 13-14 ёшларда эдим. Ошнамнинг уйда усталар ишлаётганди. Уларнинг атрофида ўйнаб юриб, “Уста, биз ҳам сизга ердан берсак бўладими?”, деб эркалик қилдик. Устанинг розилигини олгач, уйга келиб отамнинг асироб-анжомларини олдим-да, ердан ишлаганини кунзатиб, “Сен бунга ундай қилма, ҳар хил асироблар билан эмас, битта-сиди ишлаша ўрганиш”, деб наҳоят қилди. Ўзи битта тешада ишлар экан. Лекин мен у кишининг фикрига қўшилмаганман. Чунки бир хиллик замон талабига тўғри келмайди. Орадан кун ўтиб, ўша уста нимадир сабаб бўлиб келмади. Шунда ошнам иккала-миз бир хонанинг шифтини қочиб биттирганмиз. Чунки ҳали айтганимдек, отамиз уста бўлган. У кишининг ишнинг кузатганимиз, ўрганганимиз. Бир неча кун ўтиб, ҳалиги уста яна келди ва шифти битган хонани қўриб, ким қилганини сўраганида ўртоғимнинг отаси бизни кўрсатган эди. Ушанда биз ёшлар бир уста хунармандга қайси бир томондан, нимадир ўргатган бўлдик. Энди биз устозларга ҳам баъзи бир ёшлар нимадир ўргатади. Керак бўлса, устозлик ҳам қилади. Чунки улар давр талабини биздан қўра яхшироқ қўришади, билишади. Уларга кулоқ солиш керак.

– Мазмунли сўхбатингиз учун катта раҳмат!

Оламгир АБДИЕВ сўхбатлашди.

Яшаш учун курашамиз

Лекин касалликдан сақланишнинг энг мақбул йўли ўзини яққолаш! Агар бунинг иложи бўлмаса, зарурат юзасидан қўчага чиқишга тўғри келса, такрор бўлса ҳам айтмайиз, аввало, тиббий никоф, қўлқоп, зарарсизлангирувчи воситалар (улардан номигагина эмас, агар шунга амал қилмасам вирусдан омон қолишим қийин деган тушунча бўлиши шарт), яна энг муҳими, ижтимоий масофани сақлай олиш, амал қилиш маданиятига эга бўлиш зарур. Шунингдек, уйда қолганда бутунлай ҳаракатдан тўхташдан эҳтиёт бўлиш керак. Энг хавфлиси ҳам шунда. Камҳаракатлик аслида ҳар қандай хасталикнинг ривожланишига олиб келади. Жисмоний тарбия, бадантарбия машғулотлари, тўғри овқатланиш ҳақидаги таъғирлардан онгли равишда фойдаланиш даркор. Асосийси, ваҳимага берилмаслик: “Мен шу касалликка қалиндим, энди умид йўқ” деган фикрни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Тузалишга жон-жаҳдингиз билан ҳаракат қилинг. Тўғри, ҳозирги вазиятдан чиқиб кетиш осон эмас. Бунга чидам, сабр-тоқат, ирода, қатъият ва ишонч зарур...




Ана сизга шифокорларимизнинг беғараз маслаҳатлари!!! Энди бундан ким қандай фойдаланади, унинг ўзига боғлиқ. Зеро, уларга амал қилмаслик, карантин қоидалари сал юмшатишганда бошбоғи узилган жониворлардек ҳар томонга югуриш, кўнгли майли бўрилишнинг оқибатини кўрдик... Мутахассислар фикрича, бу касалликнинг такрорий тўлқини ҳам эмас, қоидаларга бепасанд қарашимизнинг натижасидир. Тўғри, четдан келётган ватандошларимизнинг ҳам озми кўпми ҳиссаси бор ҳозирги аҳволимизда. Уларни бағрикенглик билан оталарча кутиб олгандан кейин карантин қоидаларига тўлиқ риоя этиб, туғишганлари билан дийдорлашшга шаймаш турганлари маъқул. Шунингдек, тирикчилик гамида бозорларга тинимсиз қатнайидиган юртдошларимиз ҳам сал тийилиб турмушга, фойдадан ҳоли бўлмас.

Дарвоқе, халқимизнинг муқаддас байрамларидан бири Қурбон Ҳайити кунларида, яъни эртдан бошлаб уч кун давомида карантин қоидаларининг янада қўжай-тирилиши сабабини тушунтиришга ҳоҷат бўлмаса керак. Чунки, улуг айём кунларида бир-бирини йўқлаш мақсадида қўчага чиқиш ҳоллари касалликнинг янада авж олишига сабаб бўлади. Демак, ҳар не бўлса, бехосият бўлмас. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, азиз юртдошлар!!! Агар ҳаммамиз ҳамфикр бўлсак, биргаликда кўринмас ёвга қарши курашсак, бу балони енгишга қудратимиз етади. Сизнинг борилингизга Ватан учун, эл-юртимиз учун улуг саодатдир!

Педагог фаолияти

**Қонунан ҳимояланди**



“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга кўра, таълим муассасалари педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашиб ёки таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Бундай ҳуқуқбузарлик учун: фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМнинг) 5 бараваридан 7 бараваригача (1 млн. 115 миң сўмдан 1 млн. 561 миң сўмгача);

мансабдор шахсларга эса БХМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдоридан (1 млн. 561 миң сўмдан 2 млн. 230 миң сўмгача) жарима қўлланилади.

Шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса:

фуқароларга БХМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 561 миң сўмдан 2 млн. 230 миң сўмгача);

мансабдор шахсларга эса БХМнинг 10

бараваридан 15 бараваригача миқдоридан (2 млн. 230 миң сўмдан 3 млн. 345 миң сўмгача) жарима қўлланиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилганда таълим муассасасининг педагог ходими маъмурий баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бошқа зарур бўлган маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бурч

# Илдизлардан сув ичган удумлар

Ўзбек эли узоқ тарихий қадрият, кўхна маданиятга эга. Юртимиз ҳудуди энг қадимги одамларнинг илк қадами теккан диёрдир. Мозийдан маълумки, бу ўлкада азалдан элату халқлар яшаган ва тараққий топган. Ҳатто Юнон-Рим ибтидоси ва интихоси ҳақида сўзловчи китобларда ҳам Ватанимиз ҳудудида истиқомат қилган қабилалар тўғрисидаги афсоналар, биттиклар мавжуд. Бу эса миллатимизнинг нечоғлик улугъ ёшда эканига яна бир исбот.

Қадрият ота-боболардан қолган амаллар, йиғинлар, йўл-йўриқлар, ўғитлар ва яна шунга ўхшаш элат илдизига бориб тақалувчи мерослардан униб-ўсади. У йўқолиб кетмайди, аксинча, авлоддан-авлодларга ўтиш жараёнида янада сайқалланади. Қадрият шундай кучга эгаки, у бир миллат фарзандларини бирлаштиради, аҳил қилади, қон-қариндош, жигарларга айлантиради. Эҳтимол, илдизларимиз аждодлар насиҳати ва ўғитлари билан суғорилгани учун ҳам шундайдир?! Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз буюрган ишлар ҳамон муқаддас саналиб келаётгандир?!

Айниқса, иноқликнинг асл кўриниши олис овуларда, томлари ва деворлари бир-бирига биришиб кетган қишлоқларда сақланиб қолган. У ерларда кимдир иморат қургудек бўлса, ён-атрофидаги кўни-қўшни жим қараб турмай, дарров ёрдамга шошади, бир-бирининг оғирини енгиллатишга ҳаракат қилади. Маҳалладаги кўп уйлар ана шундай ҳамжихатлик бунёдидир. Уларга фақат уй эгасининг эмас, балки қишлоқ аҳлининг ҳам пешана тери тўкилган. Тезиб пишитилган лойлар уларнинг аҳилилиги билан қорилган.



Ҳатто бу кўринишдаги кўмаклар удумга ҳам айланган. Мисол учун, Қашқадарёнинг айрим қишлоқларида кимдир томини ёппоқчи бўлса, кўни-қўшни йиғилиб, бир-бирига суяб, бирлаштирилган ёғочлар устига нимадир олиб чиқиб ёпади. Яъни кимдир тўн, кимдир кийимлик мато деганларидек. Бу худди янги кийим олган кишига “Куллуқ бўлсин!” қабилдаги табрикка ўхшайди. Ёпилган сарполар то уй томи битгунча туради. Уттан-қайтган эса ишлаётганларга баъзан куч, баъзида ширин сўз билан далда бўлишади.

Том ёпиш жараёнидаги маъмур удумни ҳам ким турлича талқин қилади. Масалан, кимдир янги қурилган уйга кўз тегмасин, ишда ривож бўлиши учун қилинади деса, бошқа бири янги уй томини ёпиш бошланганида устанинг ҳаққига нимадир ажратилади деб уқтиради. Бу қадриятга кўра, азалдан устага тўн, кийимлик матолар тортиқ этилган. Уларнинг кўпини ён қўшнилари, бир кўчада яшовчилар олиб келишиб, иш бўлаётган жойга, кўзга кўринарли ерга илб қўйишган. Қурилиш охирида ишни тамомлаган том ёпувчилар сарполарни ўртада тенг тақсимлаб олишган.

Удумнинг қачон ва қаерда, ким томонидан ҳамда нима сабабдан ўйлаб топилгани ҳақида деярли маълумот йўқ. У бирор афсона ёки ривоятга ҳам бориб тақалмайди. Лекин шуниси аниқки, бу ҳам ўзбекнинг қадрияти, ота-боболаридан қолган меросидир.

Ҳашар тadbирлари ҳам шулар жумласига кирди. Унда турли юмушлар бир-галликда бажарилади. Уй эгаси каттароқ қозонда таом тайёрлаб, хашарчиларни меҳмон қилади. Иш сўнггида ҳамма уй-уйига тарқалади. Ҳеч ким меҳнатига пул олмайди. Кам таъминланган, боқувчиси йўқ оилаларнинг уйини таъмирлаш, томини суваш ва яна шунга ўхшаш ишларни биргалликда, ҳамжихатликда бажаришлар ҳам шулар жумласидандир.

Азалдан давом этиб келаётган қадриятларда аёллар ҳам четда туришмайди. Экин-тикин йиғимларида улар ҳам бир бўлиб кўмакка келишади. Бир-бирларининг оғирини енгил қилиб, ўртадаги ришталарни янада мустаҳкамлашади.

Узоқ маҳаллаларга йўлнингиз тўшса, аввал олисдан бир-бирига суяб қурилган уйлари томоша қилинг. Кейин эса қадрият, аҳиллик асосида бунёд этилган қишлоққа меҳмон бўлинг. Ерлик аҳолининг бир пиёла чойидан ичиб, суҳбатини олинг. Хандон отиб қулинг, тўйларидан белингизни маҳкам боғлаб, хизматини қилинг. Қайтшда эса аждодларимиздан қолган мерослардан ҳам олиб кетишни унутманг!

Оламгир АБДИЕВ

Мулоҳаза



# Сўнгги пушаймон — ўзингга душман

Бир неча йиллардан бунёд мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишлаб келаман. Ўқув даргоҳимизда таълим олаётган ва анча йиллар олдин битириб кетган ўқувчиларимиз ҳам устозларини ҳамон қадрлашади, эъзозлашади. Ҳатто олий ўқув жўртида талабалик бахтига эришганда, оила аталмиш мўътабар маскан оstonасига қадам қўйганда ҳам толейи ва қувончларини устозлари билан баҳам қўриши биз ўқитувчилар кўнглини тоғдек кўтаради. Бу шундай ёқимли ҳиски, ўз касбимиздан фаҳрга тўламир. Қўлларидан талабалик йўлланмаси ёки таклифнома-лар кўтариб келганида улар билан бирга қувонамиз, янги ҳаётга киришида қўлимиздан келганча маслаҳатлар, насиҳатлар берамиз. Уларнинг ўз йўлларини мустақил топиб кетиши, ютуқларга эришиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши бизнинг ҳам ота-юғимиздир. Чунки устоз ҳам ютгани каби ўз ўқувчисига меҳр берар экан, демак, бу мақомга мос шахсдир.

Бундан бир неча кун аввал мактабни яқиндагина тамомлаган бир ўқувчи қизимиз турмушга чиқаётгани муносабати билан тўйига таклифнома олиб келди. Биз устозлар ҳар доимгидек унга эъзотилақларимизни билдирдик. Кейин таклифномага кўз югуртирар эканман, мактабимизнинг энг аълочи, фаол, ақилли кизи жуда эрта турмуш қураётганидан, айниқса, ўз тоғасига келин бўлаётганидан негадир кўнглимда хижиллик туйдим. Ахир, яқин қариндошларнинг оила қуриши яхшилликка олиб келмайди-ку. Эҳтимол, бу бир неча йиллар муқаддам эшитган ва гувоҳи бўлган ҳикоя, тақдир сабаб кўпгина имкониятлардан маҳрум этилган қизнинг айтиб берган ҳаёти билан боғлиқдир.

“Онам ҳар тонг қўлларидан но-

нуштамни кўтариб хонамга кириб келардилар. Мен эса уларни жилмайганча қарши оламан. Волидам ҳаммаша хурсанд бўлишимни, доим қулиб юришимни хоҳлайди. Шунинг учун қувноқ бўлиб юришга ҳаракат қиламан. Ўз табассумим билан мени деб эзилган, кўзлари ичига ботиб кетган онажонимни аяган бўламан. Эрталабки нонуштадан сўнг уйимиздан унча узоқ бўлмаган устахонага, мен учун қадрдон бир масканга айланган ишхонамга йўл оламан. У ерда ранг-баранг буюқлар билан овунаман. Диллимдаги бор рам-ташвишларимни, энг бахтли лаҳзаларимни, орзу-истакларимни қоғозга тушираман. Машғулларим завқи менга илоҳий куч бағишлайди. Биласизми, ҳаммаси яхши-ю, бироқ эрталаб кўчага чиқши мен учун жуда оғир. Йўлда кетар эканман қаршимдан чиққан одамлар нигоҳида ҳар хил тасвирларни кўраман. Кимдир менга ачиниш, яна бири камситиб қарасандек бўлади. Ҳатто баъзилари мендан анча нарироқ юришга уринаётгандек туюлаверади. Буларнинг бари ноэиронлигим, оёғим ўзимга бўйсунмай арава-да ҳаракатланганим сабабли эканини ҳам биламан. Бундан азобланаман, қаттиқ эзилман. Мен ҳам улар каби эркин ҳаракатланганим, ўз мақсадим томон ҳеч қандай тўсиқсиз қадамлар ташлашни хоҳлайман.

Ота-онам умид қилиб кўрсатмаган шифохонаси, олиб бормаган дўхтири қолмади. Ҳаммаси бир гапни такрорлашади. Яқинларим бир-бирига қариндошлиги учун мен шундай тугилган эканман. Мен бунда ота-онамни айбламайман, бори-ни тақдирдан кўраман, шу тариқа ўзимни овутаман. Лекин баъзан “Нега айнан мен?” деган саволга жавоб тополмай қўйаламан. Ана шундай пайтларда узоқларга кетиб, табиат қўйида ёлғиз сайр қилишга, барчасини унутиб, руҳиятимни кўтаришга урина-

ман. Агар кўчада бир-бирининг қўлидан тутиб кетаётган бахтли жўштилари кўрсам, ич-ичимдан қалтироқ босади. Мен ҳам севсам, севилсам дейман. Барча қизлар каби олпоқ либос кийим келади. Шунда оёқларимга қарайман-у, яна тушкунликка ботаман.

Болаликдан ақинларим меҳри қуршовида яшадим. Бироқ дўстларимнинг шўх-шодон кулгилари-ю, улар билан бирга ўйнашдан, ишдан қайтаётган ота-жонимнинг кучоғига чопқиллаб боришдан баёхра ўсдим. Оёқларим билан юриб, бетакрор она заманимизни томоша қилишдан, мактабга югуриб бориш завқидан, университетда таълим олиш бахтидан мосуво бўлганча ҳаёт кечирिशга мажбурман”.

Бу қиз ҳикоясини кимнингдир ачиниши ёки таъсирланиши учун айтмадим. Балки, фарзандини бахтли қиламан, деб бахтсизлигига сабабчи бўлаётган баъзи ота-оналарга сабоқ сифатида келтиряпман холос. Айрим оила бошлиқлари “Қизимиз бегонага кетмасин, ўзимизники барибир ўзимизники-да, эртага қизимиз қандай хонадонга боришини ҳеч ким билмайди, яхшиси, акам ёки опам билан қуда бўлганим маъқул”, деб йўл қўймоқчи бўлган қатта хатоларнинг олдини олишдир. Келажакда бегуноқ фарзандларнинг ноғирон, имконияти чекланган, жамиятда ўз ўрнини топишда қийналадиган бўлиб туғилмаслигига ўз хиссамни қўйишдир. Фарзанди ноғирон туғилгач, турли сабабларни рўқач қилиб, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетадиган кимсаларнинг онгини уйғотишдир.

Муҳтарам ота-оналар, кўпни кўрган кишилардек йўл тутинг. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқур қил” нақлига амал қилмай, пушаймонда қолманг!

Огоҳ бўлинг! Огоҳ бўлинг!

Мавлуда ҚОДИРОВА,  
ўқитувчи

Табъзиянома  
Ўзбек  
эстрада  
санъатида  
яна бир  
йўқотиш



Ғайриоддий овози ва бетакрор композициялари билан мухлислари қалбидан жой олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда, бастакор Руслан Шарипов оламдан ўтди.

У ҳақида гапирганимизда, 80-йилларнинг энг гуркираган, катта-катта концерт залларини, стадионларни баралла эввати билан жанрланган Ўзбек

эстрадаси афсонаси, чин иқтидор эгаси кўз олдимизга келади. Ҳа, у чиройли ва кучли овоз соҳибиди.

1966 йил Самарқанд шаҳрида туғилган Руслан Шарипов 54 ёшида бизни тарк этди. Айтишларича, унинг ўлимига инсулт сабаб бўлган.

Бу инсонни эслаганимизда, унинг "Байт" гуруҳини ташкил этгани, шунингдек, "Болалар", "Сетора",

"Шаҳзод", "Хўжа" гуруҳлари ва кўплаб таниқли санъаткорлар ижодий фаолиятига ҳам муносиб ҳисса қўшганини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номидан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этиб, чуқур ҳамдардлик билдираимиз.

Ибрат

# Тахририятга бир савол келди...

Маънавий тарбия – бахтли келажак асоси. Ҳар қандай ота-она фарзандидан борини аямайди. Бу икки зотнинг буюқлиги ҳам шунда. Ота-онани қадрлаш, уларнинг бейътов, беминнат хизмати бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш эса фарзандлар бурчидир. Аммо...

Яқинда тахририятимизга бир савол келди. Мазкур масалага жавоб беришдан олдин мавзунинг огриқли нуқталарини ҳам қаламга олишга қарор қилдик...

## ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ...МИ?

"Маҳалламизда яшаيدиган бир одам ёшлигида болаларини хор қилиб, қарамай қўйган эди. Орадан йиллар ўтиб, ўзи фарзандлари ёрдамига муҳтож бўлиб ўтирибди. Наҳот болалари бу одамни боқшига мажбур?"

Ф.Камалова, Андижон вилояти



Оила кодексининг 113-моддасида келтирилишича, агар суд эрхотиннинг ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганини аниқласа, болаларни меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод этиши мумкин.

Мазкур масалага қўшимча тарзда шунга айтиш мумкинки, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онанинг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида экани вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-онана гамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

## ФАРЗАНД ҚАРЗИ

Малика Мазбудова, юрист:

– Миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг асосий қонуни – Конституцияда ҳам фарзандларнинг жамият, оила, ота-она олдидagi инсоний бурчи ва масъулияти белгилаб қўйилган. Унинг 66-моддасида қайд этилишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Фарзанднинг ота-онани эъзозлаш фарзандлик бурчи бўлибгина қолмай, жамият олдидagi масъулияти ҳамдир.

## Машраб Маматов, ўқитувчи:

– Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, ота-онани ҳурмат қилиш "фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнинг

обод бўлишини истасанг. Шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган – бирисини ой деб бил, иккинчисини кўёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизикдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни одоб билан бажар, "адаб" сўзидаги "дол" каби қоматингни ҳам қил".

## ҲАР БИР ОИЛА ДАВЛАТ ХИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат химоясидадир.

Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий химоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади. (Оила кодексининг 4-моддаси)

## "ОТА-ОНАНИ РОЗИ ҚИЛИНГ"

Ота-онана таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонни келтириб бериш, доимо ҳол-аҳволидан хабар олиш, ота-она олдида "уҳ" тортмаслик, гўрдаймаслик лозим. Кўчада отадан олдин юрмаслик, отадан олдин овқатга, дастурхонга қўл узатмаслик, отадан олдин ўтирмаслик, отадан пойтахтонга ўтириш – шарқона тарбиянинг гўзал анъаналаридан саналади. Ота-она қақирганда "лаббай" деб жавоб қайтариш, нима иш қилаётганидан қатъи назар, ҳеч иккиланмасдан уларнинг истагини бажо келтириш

фарзандлик бурчи ҳисобланади. Шунда ота-она ўз фарзандидан рози бўлади. Улар розилигини олган фарзанд борака топади, иши ўнгидан келади, олдига қўйган мақсадига эришади. Ота-онани норизолик билдирган фарзанд кечгача югурса ҳам, ишининг бажарақаси кўринмайди, бири икки бўлмайди.

## ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

Ота-оналарнинг махрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи дейилганда, уларга боласини вояга етгунча тарбиялаш, унинг манфаатларини химоя этиш ва унга вакиллик қилиш, боласини бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, унинг фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳ.к.лар учун берилган ҳуқуқлар тушунилмоғи лозим. Ота-оналик ҳуқуқидан махрум қилинган ота-оналар болалари билан туғишганлик фактига асосланган ҳуқуқларини: вояга етган болаларидан нафақа олиш, улар вафот этган тақдирда нафақа билан таъминланиш, болаларнинг мулкига ворис бўлиш ва бошқа ҳуқуқларини ҳам йўқотадилар.

(Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонуларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги» 23-сон қарорининг 8-банди)

Афсуски, сўнгги йилларда айрим ота-оналар иш-юмушларини биринчи ўринга қўйиб, фарзандларига кам эътибор қаратаётганига гувоҳ бўлялмиш. Болалар тарбиясида ота-она улуши камайиб бормоқда. Ваҳшанки, бола, ўсиб келатган ёш авлод, аввало, ота-она гамхўрлиги, ибрат, тарбиясига муҳтож бўлади.

Бу ўринда хулосани ўзингизга қалдирдиқ.

Шоҳ ЖАҲОН тайёрлади.

Хотира

# Таъзиянома

23 июль куни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик театри режиссёри, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Сарсенбай Узақбоев оламдан ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирликлари марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдириб қолади.



Яна бир оғир йўқотиш

## Бевақт тўхтаган ижод



Афсуски шундай. Ҳозирги пандемия даври ҳар биримизни исновдан ўтказмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ёшу қарини бирдек санжага олаётган коронавирус балоси унга чап беришга улгуролмай қолган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ўз ишининг фидойиларини ҳам аяб ўтирмаяпти. "Қўлингдан келса, ўзингни асраб кўр" дегандек ҳар бир умрга чанг солишга тайёр турибди. Энди бу баодан қутулишнинг биргина йўли унга қарши бошдан-оёқ "куролланиш", доимий сергаклик, хушёрлик, карантин қоидаларига қатъий риоя этиш, кейингина ишга киришиш бўлиб қолди... Шу гунгача ўзбек маданияти ва санъати вакиллари орасидagi оғир йўқотишлардан яна бири мумтоз қўшиқчилик санъатининг моҳир ижрочиси, Ниҳол муқофоти совриндори Аброр Парпиевнинг бевақт вафоти бўлди.

– Аброржон мумтоз қўшиқларни яхши кўрарди, – дейди Ўзбекистон халқ ҳофиси Соибжон Ниёзов. – Устози Фаттоҳжон Мамадалиевнинг қўшиқларини севиб ижро этар, айниқса, "Ушшоқ" ни маромига етказиб қуйлаганида олқишлар билан қутиб олинарди. Узнга хос чиройли овозини, миллий маданиятимизга бўлган ҳурмати, илосини устозлари, ҳатто Ф.Мамадалиев ҳам эътироф этган... Эссиз, ҳали қанча-қанча айтилмаган қўшиқлари, орзу-армонлари қолди ортида...

Бу қўшиқларни энди унинг сўфдошлари, фарзандлари қуйласа, орзулари-армонларининг рўёби руҳларини шод этса шоёд!

Ўзбекистон Маданият вазирлиги хушовоз хонанда, мумтоз қўшиқлар устаси, "Ниҳол" муқофоти совриндори Аброржон Парпиевнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Омонат дунё

## Яхшиларни асрайлик



Орамизда театрини, унга жон бағишловчи актёрлару сахна усталарини севайдиган, қадрламайдиганлар кам бўлса керак. Зеро, улар ҳаётимиз кўзгуси. Бу кўзгуда гўзалликни кўришни ким хоҳламайди дейсиз?! Лекин шу гўзалликни яратувчилари танийдими, яқиндан биланми? Афсуски, аксарият ҳолларда бунга жавоб тополмай қийналамиз...

Пойтахтимиз маданият масканларидан бири Алишер Навоий номидаги академик катта театри томошаларига борганлар бинога кираверишдаги маҳобат, ичкарсидagi чиройли бевақтару, саҳнадаги гўзалликлардан завқланиши, руҳий кўтаринкиликни ҳис этиши табиий. Айниқса, турли байрамларда ажойиб кўринишга эга бўладиган театр заллари, саҳналари томошабинни гўё ўзига сеҳрлаб қўйгандек туюлади. Болажонларнинг энг сеvimли театрлари Янги йилда улар учун яратилган мўъжизавий олам театр фойёсидан саҳнагача давом этади... Ҳаётда одамларга яхшилик, эзгулик улашмиш нақадар олижаноб иш. Театрнинг бош рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зубайдулла Ботиров шундай хайрли ишининг этагидан тутган, ўз касбининг фидойиларидан бири эди...

Асли кашқадарелик Зубайдулла болалик чоғлариданоқ тасвирий санъатга бўлган қизиқиши билан ота-онани, тенгдошлари меҳрини қозонган, уларнинг ҳаваси ҳайратига сабаб бўлган эди. Айни шу қизиқш учун Тошкентдаги Беньков номи Республика рассомлик билим юртига етаклаб келди. Кейинчалик Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг "Театр декорацияси" бўлимида ўқиди. 1995 йилда ўқиниши тутатган Зиёдулла ўз иқтидорини, салоҳияти билан тез орада соҳа мутахассислари эътиборига тушди.

1997 – 2005 йилларда Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказиладиган байрам тантаналарида саҳналаштирувчи рассом бўлиб ишлагани фикримиз исботи. Ижодкорнинг Хива шаҳри 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда бош рассом сифатида фаолият олиб бориши ҳам ўз ишининг устаси, билимдони бўлганини кўрсатади. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси бадиий академиясида намойиш этилган шахсий кўртгасмаси, 2008 йилда Халқаро "Биенале" даги муваффақиятли иштироки рассомнинг навабдаги ижодий парвозига йўланма берди. У "Дунё халқлари санъати" рассомлар уюшмасида хизмат кўрсатган рассом сифатида эътироф этилди.

2010 йилдан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом" унвони эгасининг кўплаб асарлари дунёдаги қатор мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Россия, Италия, Япония каби ривожланган давлатларда замонавий-миллий маданиятимиз, санъатимизнинг намойиш этиб келмоқда.

Лекин, афсуски, бевақт келган шафқатсиз ўлим ерқин истёбод соҳибиди Зиёдулла Ботировни ижодининг гуркираган палласида орамиздан олиб кетди. 57 ёшли рассомнинг хали мўлжаллаган ишлари, орзулари кўп эди... Шукурки, унинг ишларини давом эттирадиган Даврон Ражабов, Шавкат Маматқаримов, Лобар Полвонова каби шоғирдлари, ёрдамчилари бор. Рассомнинг ижоди энди муносиб издошлар, шоғирдлари фаолияти орқали давом этади...

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёдулла Ботировнинг вафоти муносабати билан унинг оиласи, яқинлари, жамоаси аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради. Халқимиз ўз ишининг фидойилари, ватанининг содиқ фарзандларини асло унутмайди...

С.РИСХИЕВА

Хушхабар

Гран-при муборак



Бугунги синовли кунлар, яъни карантин шароити ҳам асл санъат йўлини танлаган инсонни ижод қилишдан тўхтата олмайди. Айниқса, шижоатли ёшларимиз бу борада жуда фаол.

Жумладан, шу кунларда Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика мактабининг “Зарбли чолғулар” бўлими 9-синф ўқувчиси Хасан Амиров Украинада бўлиб ўтган “SOUL” ёш ижро-

чилар Халқаро онлайн танловида иштирок этиб, Гран-при совринига муносиб кўрилди.

Бу йўлда унга устози Даврон Давуров яқиндан ёрдам бериб, ёш ижодкори ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Шунингдек, ушбу мукофотни қўлга киритишда концертмейстер Аида Маматалиеванинг ҳам ҳиссаси катта.

Биласизми?

# Темир излар бўйлаб саёҳат

## Ёхуд “Хатико” кимни кутмоқда

Дунёнинг ривожланган давлатларида темир йўл транспорти етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Инсоният бу транспорт тури билан илк бор танишганида, негидир унинг йўловчилари жуда озчиликни ташкил этган бўлса-да, бугунга келиб поездлар қулайлиги, тезкорлиги ва ниҳоят, ўтган аср бошларида айримлар учун гўёки “қўрқинчли машина” тасаввурини уйғотган қиёфаси етарлича замонавийлашгани билан ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Ишонмаслигиниз мумкин, аммо ҳозирда шахсий автомашинасига эга бўлган одамлар ҳам узоқ йўлларга сафар олдиран ҳеч иккиланмай поездни танлаши бежиз эмас. Хўш, бизнинг ушбу мавзуга қўл уришимизга сабаб нима? Аввало, айтиш жоизки, ҳар соҳада тобора юксалиб бораётган тараққиёт “темир излари” мизни четлаб ўтолмаганидек, йиғилиб қолган ва эътироф этиш мумкин бўлган талайгина жиҳатлар биз қатори сизни ҳам эътиборсиз қолдирмайди, деган умиддамиз.



**ТЕМИР ЙЎЛЛАР ТАРИХИДАН**  
Темир йўл транспорти – юк ва йўловчиларни локомотив ва моторвагонлар воситасида темир йўл бўйлаб ташийдиган транспорт тури. Унинг пайдо бўлиши йирик санаот, айниқса, тоғ-кон ва металлургия санаоти тараққиёти билан боғлиқ. 1825 йилда жаҳонда биринчи умумий фойдаланишдаги Стоктон – Дарлингтон темир йўли (21 км, Англия) Ж.Стефенсон томонидан қурилган. 1830 – 1870 йилларда Австрия, Германия, Бельгия, Франция, Россия, Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Австралияда ҳам темир йўллар қурилди. XX аср бошларида дунёдаги темир йўллар тармоғи 1 млн. км.дан ошди.

Ўзбекистонда дастлаб 1886 – 1888 йилларда Закаспий темир йўлининг Фороб станциясидан Самарқандгача поездлар қатнови бошланди.

**ТЕЗЛИГИ: СОАТИГА 500 КМ.**  
Бу транспорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири юқори тезликда ҳаракатланувчи ер усти транспорт турини жорий этиш эди. Бу тизимда ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатдан юқори бўлиб, бундай темир йўллар 2-авлод тоифасига кирилади. Фарбий Европа ва Япония-

нинг баъзи темир йўл участкаларида поездлар тезлиги 350 – 500 км/соатга етказилган.

**“ИНСОН БОР ЖОЙГА ИНСОН КЕЛАДИ”**  
Поездлар бир вақтлар Габриэл Гарсиа Маркес “Ёлғизликнинг юз йили”да тасвирлаганидек, бир жойдан иккинчисига тараққиётни ташишда давом этмоқда. Аммо бугун бу тараққиёт фақат яхшиликка хизмат қилади. Тўғри, ҳозирги кунда инсоният учун цивилизацияларнинг ёйилишида нафақат поездлар, балки самолёт ва автомашиналарнинг ҳам ҳожати йўқдир. Сарҳадлару транспортлар фақат узоғимизни яқин қилиш учунгина хизмат қилади, дейдиганлар ҳам аслида ҳақ. Бироқ оддийгина “инсон бор жойга инсон келиши” ҳақидаги

ҳақиқатга қараб ҳукм қилсак, “ахборот асри” қанчалик тараққий этмасин, одамнинг одамга келтирадиган илиқ тафтидан юқори туролмайди.

**ДИҚҚАТ! ФИРИБГАР**  
90-йиллар бошида содир бўлган фирибгарлик иши каттагина шовшувга айланганди. Бир африкаликка Европага эмиграцияни ваъда беришди, ундан келишилган пулни ундиргач, Москвага олиб келишди. Сўнг африкаликни поездга ўтказиб, бу поезд Германияга боради деб ишонтиришди. Аслида эса бу поезд метро бўлиб, ҳалқа йўли бўйлаб юрган. Бечора африкалик “Германиягача” жуда кўп вақт юришига тўғри келганди ўшанда.

**ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР**  
Австралиянинг чўли текислигидаги темир йўл Гиннес рекордлари китобига киритилган. Унинг машҳурлиги шундаки, 500 км узунликда бирорта ҳам бурилиш учрамайди.

Кўпчилик Голливуднинг машҳур “Хатико” фильмини томоша қилган бўлиши керак. Аммо кўрмаганлар бўлса, тавсия этамиз. Бу фильм реал воқеаларга асосланган. Япониянинг Сибуя бекатида бошига «бекат бошиги фуражаси» кийдирилган кучук хайкали бор. Бундай хайкалнинг қўйилишига сабаб, мазкур кучук 10 йил давомида ўз эгасини кутиб олишга чиққан экан.

Йўл назаротчилари одатда поезд гилдиракларини тақиллатиб юришади. Нега дейсизми? Эмиш-ки, улардан мусикий оҳангни сезиш қобилияти кучли бўлиши талаб этиларкан. Чунки товушнинг ўзгаришига қараб, гилдирак бузилганини аниқлаши шарт.

Максимал даражада тезликни оширган поезд соатига 9851 километрга чиққан! Худду шу тезликни АҚШнинг Нью-Мексико штатида ракетанинг двигатели билан поезд амалга оширган.

Статистик маълумотларга кўра, поездлар автомобиллардан 45 марта хавфсизроқ воситадир.

**ТОШКЕНТ ВАҚТИ БИЛАН СОАТ...**  
Мен учун доим бир нарса қизиқ туюлади. Мамлакатимиз ҳудудида ягона вақт тизими мавжуд. Лекин баъзида Тошкент вақти деган тушунча ҳам ишлатилади. Кимдир, бу вақт тизими транспорт соҳаси билан алоқадор эканини айтди. Шунга аниқлик киритсангиз?

**С.Раъшов, Наманган шахри**  
“Тошкент вақти” деган тушунча асосан, темир йўл транспортга тегишли. Хусусан, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, ташишларда бевосита қатнашувчи темир йўл транспорти корхоналарида ташиш жараёнини марказлаштирган ҳолда узлуксиз бошқаришни таъминлаш мақсадида жорий этилган. Жойлашган манзилдан қатъи назар, улар учун мамлакатда амал қилувчи ягона ҳисоблаш-ҳисобот вақти – Тошкент вақти белгиланади. Бу барча маҳаллий ва халқаро ташишларга тааллуқли.

Шоҳжаҳон тайёрлади.

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИС:** «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

**Бош муҳаррир:** Дилбоҳар Худойбердиева  
**Тахририят манзили:** 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 8420 Буюртма - Г - 727  
Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.  
Босмаҳонага топшириш вақти - 21.30  
Тошпирилди - 20.00  
1 2 3 4 6